

## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Норбеков Аъзам Жиянмуродович**

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва  
тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси.

Профессional таълим ўқувчиларининг таълим жараёнига ҳар қандай инновациясининг тадбиқ этилиши таълим жараёнининг айрим соҳаларида вужудга келган муаммоларни ечиш, тизимни бутунлай модернизация қилиш натижасида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилади.

Профессional таълим муассасаларида таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича малака талабларига асосан бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланди:

- бўлажак педагоглар ва ёш мутахассисларнинг таълимий даражаси ва касбий фаолиятга тайёргарлиги сифати динамикаси;

- бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим таркибини модернизациялаш ва мазмунан янгилаш;

- профессионал таълими муассасалари фаолиятини иқтисодий механизмлар, Қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базасини оптималлаштириш;

- профессионал таълими ўқитувчилари ва усталарининг касбий маҳорати даражасини сифат жиҳатдан яхшилаш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълими барча муассасаларининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш.

Ҳозирги кунда профессионал таълимни таълимни модернизация қилиш муҳим аҳамиятга эга. Агар биз профессионал таълимни жозибадор бўлишини истасак, таълим муассасалари томонидан талаб қилинадиган юқори малакали педагог ходимларни касбий фаолиятга сифатли тайёрлашни таъминлайдиган янги турдаги замонавий профессионал таълим муассасаларини яратишимиз керак.

Натижада бугунги кунда мутахассисларни мажмувий тарзда касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширувчи қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълими устувор ривожлантириш чора-тадбирлари, бу борада идоралараро мажмуавий янги мазмун ва таълим технологияларини жорий этишга қаратилган, кенг қамровли ахборот-ресурс, профессионал таълим муассасалари учун инновацион бошқарув ёндашувлар; профессионал таълим муассасаларида касбга йўналтириб ўқитишнинг янги ҳуқуқий базаси, академик эркинлик нормалари, бозор иқтисодиёти тамойиллари; профессионал таълим муассасаларининг янги турлари ва турларини пайдо бўлиши, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, ташқи мижозлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, минтақавий иқтисодиётни ривожлантириш.

“Таълим” устувор миллий лойиҳасининг амалга оширилиши профессионал таълими платформаларининг 150 дан ортиқ ресурс марказларини инновацион ривожлантириш имконини берди.

Бироқ бу модернизация жараёнларини малакали педагогик ресурслар билан таъминлаш вазифаси кескинлашди. Бундай тафовут бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларининг фаол ривожланиши шароитида рўй бера олмайди, унинг мантиқий ечими профессионал таълим бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини доимий касбий янгиликлар режимида ишлашга тайёргарлигини оширишдан иборат бўлиши лозим.

Профессионал таълимда ўқитиш технологияси муаммосини назарий жиҳатдан ўрганиш унинг қуйидаги методологик моҳиятини белгилашга олиб келди. Таълим технологияси-педагогик натижаларга эришиш учун таълим жараёнини ташкил этишнинг барча жиҳатлари билан боғлиқ бўлган назария ва амалиётнинг (таълим тизими доирасида) тадқиқот соҳасидир.

Шунингдек, таълим технологияси инсон ва техника ресурсларини ҳисобга олган ҳолда бутун таълим жараёнини режалаштириш, қўллаш ва ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштиришни баҳолаш, улар ўртасида таълимнинг янада самарали натижасига эришиш учун ўзаро ҳамкорликни ташкил этишнинг тизимли усули ҳисобланади.

Бугунги кунда Меҳнат бозори таҳлили ва амалиётни ташкил этиш бошқармаси томонидан 2023 йилда қуйидаги ишлар амалша оширилган:

### 1. 2023/2024 ўқув йили учун қабул режасини шакллантириш:

Меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрларга бўлган эҳтиёжлар асосида республикадаги 330 та касб-хунар мактабига жами 78490 та, 149 та коллежга жами 59460 та (шундан, кундузги таълим шаклига – 35680 та, сиртқи таълим шаклига – 16408 та, кечки таълим шаклига – 2440 та, дуал таълим шаклига – 4932 та) ҳамда 194 та техникумга жами 80178 та, (шундан, кундузги таълим шаклига – 54461 та, сиртқи таълим шаклига – 19590 та, кечки таълим шаклига – 2320 та ва дуал таълим шаклига – 3807 та) қабул параметрлари белгиланган(1-расм).

#### 1-расм. 2023/2024 ўқув йили қабул параметрлари



### 2. Ўқувчилар ўқишга қабул қилиш:


Жорий йилда 9-синф битирувчиларининг хужжатлари 1 июль кунидан 15 август кунига қадар вазирликнинг kasb.edu.uz электрон платформаси орқали онлайн қабул қилинди.

Касб-хунар мактабларига қабул яқунлари бўйича жами 105768 нафар 9-синф битирувчиларининг хужжатлари онлайн қабул қилинди (тасдиқланган қабул режага нисбатан 34,8 %га ортиқ).

Коллеж ва техникумларга абитуриентларнинг хужжатлари жорий йилнинг 11 августидан 10 сентябрга қадар Давлат тест марказининг my.dtm.uz сайити орқали онлайн қабул қилинди.

Қабул жараёнларида коллежларга жами 84411 нафар (қабул режага нисбатан 141,9 фоиз), техникумларга жами 145445 нафар (қабул режага нисбатан 25,2 фоиз) абитуриентларнинг аризалари келиб тушган 2.6-рам.

## 2.10-рам. Қабул бўйича аризалар сони



Қабул жараёнлари якунлари бўйича 704 та профессионал таълим муассасаларига жами 192140 нафар, шундан, касб-ҳунар мактабларига 92 та касб бўйича 99040 нафар, коллежларга 114 та касб(мутахассислик) бўйича 42369 нафар ҳамда техникумларга

167 та касб(мутахассислик) бўйича 50731 нафар ўқувчилар ўқишга қабул қилинди. Сиртки, кечки ва дуал таълим шакллари бўйича жами 42606 нафар абитуриентлар кириш имтиҳонларисиз тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинди.

Шунингдек, коллеж ва техникумларга тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган жами 1433 нафар етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчилар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Бу кўрсаткич 2020/2021 ўқув йилида жами 1157 нафарни ташкил қилган. Бугунги кунда республикадаги 704 та профессионал таълим муассасаларида жами 417542 нафар ўқувчиларга 27124 нафар педагог кадрлар томонидан касб сирлари ўргатилмоқда.

Жумладан, 330 та касб-ҳунар мактабида 189933 нафар, 166 та коллежда 88261 нафар (шундан, 12581 нафари грант) ҳамда 208 та техникумда 139348 нафар (шундан, 21610 нафари грант) ўқувчилар таҳсил олмоқда.

Шунинг билан биргаликда, жорий йилда профессионал таълим муассасаларини жами 143205 нафар ўқувчи-ёшлар тамомлаб, иқтисодиёт

тармоқларининг турли соҳаларида меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрлари ўз мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиш билан бирга ўзининг билим, кўникмаларини ва малака ҳамда компетенцияларини фан-техника ютуқларига мос равишда мунтазам ошириб бориши, ўз устида тинимсиз ишлаши ва ҳаёт давомида таълим олиш принципларига амал қилиши зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон 2030” стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5812-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.11.2020 й. 715-сон "Ўзбекистон Республикасининг профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори